

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 63-ҳадис

63 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِسْتِدَانُ ثَلَاثٌ، فَإِنْ أُذِنَ لَكَ وَإِلَّا فَارْجِعْ». مُتَقَوْلَةٌ عَلَيْهِ.

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Изн сўраш уч мартадир. Агар сенга изн берилса, киргин. Агар берилмаса, қайтиб кетгин», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ислом жамияти фазилатли жамият бўлиб, ҳаёт жабҳасининг барча кўринишларини тартибга солади. Шунинг учун одамларнинг хос, уятли нарсаларини ошкор қиласлик мақсадида изн сўрашни шариатга киритди. Зиёрат қилишни мақсад қилиб келган киши уй эгалари аниқ уйдами ёки уйда эмаслигини билиш учун уч мартагача изн сўрашга буйруқ бўлди. Агар жавоб бўлмаса, ортга қайтишга буюрдилар. Мусулмон киши то изн берилмагунча ва ўша хонадон аҳлига салом бермагунча уйга кирмаслиги лозим. Буни бизга Расулуллоҳ с.а.в. таълим берганлар.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон кишига одамларнинг олдига кирганида изн сўраши шарт.
2. Мусулмон киши уйга кириш учун уч марта изн сўрайди. Биринчисида эшикни тақиллатади ёки хонадон аҳлларини чакиради. Сўнгра кутиб туради. Мана шуни уч марта такрорлайди. Агар хонадон аҳли жавоб қайтариб, таклиф қиласа, киради. Бўлмаса қайтиб кетади.
3. Баъзи одамлар изн сўрайдида, ҳали рухсат берилмасидан олдин тўғридан-тўғри уйга бостириб киради. Бу иш катта хато ҳисобланади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI